https://t.me/ishonchuz_official
facebook.com/ishonchofficial.uz
ishonch1991@yandex.uz
www://
www.ishonch.uz



Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
5-noyabr,
payshanba
№133
(5353)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ ТААССУРОТЛАРИ



БУЮК ТАРИХДАН КУЧ ОЛИБ, ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ИНТИЛАЁТГАН БУХОРО

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларга ҳар бир ташрифи одамлар қалбида катта ҳаяжон ва эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлайдиган тарихий воқеликка айланиб бормоқда.
У кишининг 3-4 ноябрь кунлари Бухоро вилоятига амалга оширган ташрифи ҳам ана шундай эзгу мақсадлар, йирик иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар ва жадал бунёдкорлик ишларининг узвий давоми бўлди.

I

Ташриф вилоятнинг маънавий таянчи ва табаррук маскани Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси зиёратидан бошланди. Маънавий илдизларга таянган ушбу улуғвор қадамдан сўнг вилоятнинг иқтисодий, саноат ва туризм салоҳиятини бутунлай янги босқичга олиб чиқадиган йирик мажмуалар ҳамда бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Бухоронинг халқаро майдондаги мавқеини оширишда шаҳар марказида жадал қад ростлаётган муҳташам Конгресс-холл мажмуаси ва замонавий меҳмонхоналар қурилиши алоҳида стратегик ўрин тутади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳаси сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар оқими муттасил ортиб бормоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2025 йилда бу кўрсаткич 2016 йилгига нисбатан қарийб олти баробарга, туризм хизматлари экспорти эса ўн бир каррага ошгани кузатилди. Бундай улкан юксалиш, ўз навбатида, Бухоро каби тарихий ва геостратегик аҳамиятга эга кентларда йирик халқаро форумлар, олий даражадаги учрашувлар ва нуфузли анжуманларни юқори савияда ўтказишга мўлжалланган замон талабидаги замонавий инфратузилмани барпо этиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу боис Бухоронинг халқаро майдондаги мезбонлик имкониятларини тубдан кенгайтирадиган, умумий қиймати 60 миллион долларни ташкил этувчи Конгресс-холл лойиҳаси доирасида 14,5 минг квадрат метр майдонда муҳташам иншоот қад ростламоқда. Бугунги кунда бу ерда асосий бетонлаштириш босқичи тўлиқ якунланиб, ташкилий-муҳандислик тармоқларини ўтказиш, бинонинг фасад ва том қисмларини барпо этишдек масъулиятли ишлар қизғин паллага кирган.

Мажмуа ҳудудида ягона меъморий ансамбль сифатида дунёга машҳур брендлар асосида иккита замонавий меҳмонхона барпо этилмоқда. Улардан бири қиймати 37 миллион долларлик **«**Hilton Garden Inn**»** меҳмонхонасидир. Етти қаватли, 212 хонадан иборат, шинам ва ўзида барча қулайликларни мужассам этган ушбу маскан еростида автотураргоҳ қуриш ҳам кўзда тутилган бўлиб, ҳозир бинонинг асосий конструктив қисми битказилиб, ички деворлар, коммуникация ва фасад ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Яна бир йирик иншоот 39,6 миллион долларлик **«**Holiday Inn**»** меҳмонхонасидир. У ҳам етти қаватли ва 212 хонали қилиб лойиҳалаштирилган бўлиб, ёндош қисмида алоҳида икки қаватли замонавий бизнес маркази қурилмоқда. Айни пайтда меҳмонхонада том монтажи ва ички деворлар қурилиши, бизнес марказининг ертўла қисмида эса бетонлаштиришнинг якуний босқичи олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик суръатини синчиклаб кўздан кечирар экан, бундай муҳташам иншоотлар нафақат Бухорода халқаро тадбирларни юқори савияда ўтказиш, балки туризм хизматлари кўламини ва сифатини кескин оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Зеро, бундай замонавий сервис объектларининг ишга туширилиши, энг аввало, янги доимий иш ўринлари, маҳаллий аҳоли даромадлари кўпайиши ва вилоят иқтисодиёти янада гуллаб-яшнашини таъминлайдиган муҳим омилдир.

II

Маънавият ва тарихга эҳтиром кўрсатиш, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаш бугунги ислоҳотларнинг энг эзгу ва устувор тамойилларидан биридир. Шу боис Президентимизнинг Бухоро меъморчилигининг дурдонаси ҳисобланган машҳур Қўшмадраса ансамблига ташрифи ва у ердаги реставрация лойиҳалари билан танишуви чуқур мазмунга эга. «Келажак пойдевори тарихий хотира ва маънавий илдизларга таянади», деган ҳаётбахш ғоя ижроси айнан шундай меъморий дурдоналарни келгуси авлодларга бешикаст етказишда ўз ифодасини топмоқда.

Қўшмадраса ансамбли Бухоро тарихидаги буюк ҳукмдорлардан бири Абдуллахон II томонидан XVI асрда барпо этилган. Тарих саҳифаларига назар солсак, мажмуанинг жанубий қисмида жойлашган Модарихон мадрасаси 1566-1567 йилларда Абдуллахон II томонидан ўз онасига бўлган юксак эҳтиром ва фарзандлик бурчи рамзи сифатида бунёд этилган. Орадан йиллар ўтиб, 1588-1590 йилларда унинг рўпарасида, ягона меъморий ўқ чизиғида муҳташам Абдуллахон мадрасаси қад ростлади. Икки мадрасанинг бир-бирига юзма-юз, уйғун композицияда қурилиши Шарқ меъморчилигида «Қўш мадраса» анъанасининг нодир ва мукаммал намунасини яратди. Абдуллахон мадрасаси ўзининг мураккаб ва ноёб муҳандислик ечими, жанубга қараган муҳташам пештоқи ҳамда кўк рангли кошин ва сирли нақшлардан жонлантирилган геометрик мозаикалари билан ажралиб туради. XVI асрда бу маскан нафақат Бухоро, балки бутун Мовароуннаҳрнинг энг йирик, нуфузли олий таълим ва илм-фан маркази ҳисобланган. Баланд гумбазлар остида янграган илмий баҳслар асрлар давомида минтақада Уйғониш даври шуъласини баланд тутиб турган.

Ушбу бебаҳо обидаларни асраб-авайлаш йўлида сўнгги йилларда давлатимиз томонидан катта амалий ишлар қилинди. Хусусан, Қўшмадраса ансамбли 2023-2024 йилларда қиймати 6 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида қисман реставрация қилиниб, муҳташам қиёфаси қайта тикланди. Натижада ҳозир бу сўлим қадамжони йилига 1 миллионга яқин маҳаллий ва хорижий сайёҳлар зиёрат қилмоқда.

Ташриф давомида Президентимизга Қўшмадраса ансамблини тўлиқ қайта таъмирлаш, унинг ноёб кошинлари ва ички тузилишини асл ҳолича сақлаб қолиш бўйича бўлажак реставрация лойиҳаси тақдим этилди.

Таъкидланганидек, тарихий обидаларни асраб-авайлаш нафақат туризмни ривожлантириш, балки миллий ўзлигимизни, бой маънавий меросимизни дунёга тарғиб қилиш ва зиёратчиларга янада муносиб, замонавий шароитлар яратишга хизмат қилади.

III

Бугунги дунё сайёҳлиги фақатгина тарихий хотира билан чекланиб қолмайди. Замон сайёҳи бой ўтмишни кўриш билан бирга, юқори даражадаги қулайлик ва хизмат кўрсатиш сифатини ҳам талаб этмоқда. Бухоронинг кулолчилик, каштачилик, заргарлик ва бетакрор гастрономия анъаналарини асрлар давомида сақлаб келаётган руҳини замонавий сервислар билан уйғунлаштириш давр талабидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил январь ойида Бухоро шаҳрининг бош режасини муҳокама қилиш чоғида айнан шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган эди. Маданий лойиҳалар туризм соҳаси билан мустаҳкам занжир сифатида боғланиши, ҳар бир барпо этилаётган иншоот иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаб, сифатли бошқарувга эга бўлиши шарт. Ушбу ташриф доирасида танишилган, айни пайтда 50 гектарлик бепоён майдонда бўй чўзаётган Янги туризм маркази ана шу стратегик қарашнинг амалий ифодасига айланди. Умумий қиймати 105 миллион долларлик кўламдор лойиҳа ҳудудида қабуллар уйи, муҳташам кўргазмалар зали, музей, 2 та замонавий меҳмонхона ва 80 та оилавий меҳмон уйлари барпо этилади. Бундан ташқари, 2 минг ўринли ажойиб амфитеатр, 70 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, сўлим сайилгоҳлар, миллий ҳунармандчилик расталари ва сунъий кўл қурилмоқда. Энг қувонарлиси, ҳар бир иншоот меъморчилигида Бухоро азалий меъморчилик мактабининг устунлари замонавий муҳандислик ечимлари билан ажойиб тарзда мужассамлаштирилмоқда.

Ҳозир марказнинг 10 гектарлик дастлабки майдонида 50 га яқин махсус техника кучлари билан инфратузилма ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ётқизиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бироқ бу улкан лойиҳанинг асл салмоғи ва қиймати фақатгина миллионлаб долларлик рақамлар ёки муҳташам деворлар билан ўлчанмайди. Унинг замирида одамларнинг яшаш тарзини яхшилаш, халқни рози қилишдек эзгу ва инсонпарвар мақсадлар бор.

Марказ тўлиқ қуриб битказилгач, бу ерда 2 мингта янги доимий иш ўрни яратилади. Шаҳарга қўшимча 2 миллиондан ортиқ сайёҳ оқими келиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, биргина маҳаллий бюджетнинг ўзига йиллик тушум 288 миллиард сўмни ташкил этади. Бу янги равон йўллар, замонавий мактаблар, боғчалар ва фаровон хонадонлар деганидир.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишларининг бориши билан танишар экан, лойиҳанинг бош мақсадини ифодаловчи теран ва таъсирчан бир фикрни алоҳида таъкидлади: **«Бу марказга келган ҳар бир меҳмон Бухоронинг азалий ва табаррук тарихий руҳини туйиши, шу билан бирга, бугунги шижоатли тараққиётини кўриши керак. Бухороликлар эса мана шу туризм ривожидан ўз хонадонида реал иш ўрни ва даромад кўриши лозим».**

>>> 3

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ИШОНЧЛИ МЕЗОН

Жамият тараққиёти, энг аввало, инсон қадри нечоғлик улуғланаётгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинаётгани билан белгиланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан 2026 йилнинг ўтган даврида, кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Касаба уюшмаларининг инсонпарварликка йўғрилган фаолияти ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилишда намоён бўлди.

Жумладан, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 7 003 нафар фаол аёл қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Наврўз – умумхалқ байрами арафасида 330 нафар меҳнат фахрийсига 95,7 миллион, 170 нафар ногиронлиги бўлган шахсга 42,7 миллион, 398 нафар кам таъминланган оила вакилларига эса 125 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Аёллар дафтари»га киритилган уч нафар хотин-қизга ҳамда учта «Мурувват уйи»га моддий ва ҳомийлик кўмаклари берилди.

Ватан ҳимоячилари куни, Хотира ва қадрлаш куни ҳамда бошқа байрамлар муносабати билан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилди. Хусусан, 42 нафар меҳнат фронти қатнашчиси, 520 нафар меҳнат фахрийси, 78 нафар фахрий жангчига озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган 12 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам ва совғалар улашилди.

БУГУНГИ ЁШЛАР – ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ. ШУ БОИС КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. АЙНАН ШУ МАҚСАДДА ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА, ТЕХНИКУМ ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА «РАҲБАР ВА ЁШЛАР», «УЧ АВЛОД» УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан «Эзгулик карвони» акцияси доирасида 319 нафар меҳнат фахрийси, «Ижтимоий ҳимоя реестри»га киритилган 130 нафар фуқаро, «Аёллар дафтари»даги 69 нафар хотин-қиз ҳамда Сариосиё туманидаги «Мурувват уйи»да яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, модий қўллаб-қувватланди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 11 минг 474 нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари саёҳатларга жалб этилди. Шундан 7 960 нафари ўз ҳудудларидаги қадамжоларга, 3 514 нафари эса Хива, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларга сафар қилдилар.

Ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам айтишга арзигулик ишлар қилинди. Яъни 1 785 нафар хизматчи вилоят театрларига, 1 930 нафари музей, зиёратгоҳ ва тарихий манзилгоҳларга олиб борилди.

Воҳамизда жорий йилги ёз мавсумида 19 минг 440 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган эди. Бу борадаги кўрсаткич ортиғи билан уддаланиб, соғломлаштириш майдончаларида 12 минг 491 нафар, стационар оромгоҳларда эса 9 067 нафар бола дам олиб қайтди.

Меҳнаткашлар саломатлигини асраш, ишчанлик қобилиятини янада ошириш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари бюджети маблағлари ҳисобидан ўтган даврда турли тармоқ ва соҳаларда ишлаётган 3 386 нафар ходим вилоятимиз ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларида жойлашган санаторийларда имтиёзли тарзда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» Давлат дастури доирасида фарзанд кўролмаётган аёллардан 13 нафари бепул

ИНСОН ҚАДРИ

йўлланмалар асосида саломатлигини тиклади.

Касаба уюшмалари фахрийлари Бўри Алламуродов, Мусурмонқул Аноров, Ҳумойиддин Шарофуддинов, Тилла Менглиев, Анвар Астанақулов, тиббиёт фанлари доктори Қувондиқ Мадартовлар хотирасига бағишлаб ишчи-ходимлар ўртасида спортнинг теннис, шахмат, волейбол, мини-футбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Бугунги ёшлар – эртанги тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Шу боис корхона ва ташкилотларда ёш мутахассисларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган масалаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу мақсадда вилоятимиздаги олий таълим муассасаларида, техникум ва умумтаълим мактабларида «Раҳбар ва ёшлар», «Уч авлод» учрашувлари ўтказилди.

Албатта, касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлиги фақат ўтказилган тадбирлар сони билан эмас, балки ходимларнинг ҳуқуқ-манфаатлари қанчалик ҳимоя қилинаётгани, муаммоларига қай даражада ечим топилаётгани билан белгиланади. Ташкилотнинг мақсади ҳам меҳнат жамоаларида қонунчилик талабларини таъминлаш, ишчи-ходимларни ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, инсон қадрини улуғлаш ва шу орқали жамиятда ҳамжиҳатлик ва ижтимоий барқарорликни кучайтиришга хизмат қилишдан иборат.

Қобил БОБОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

МАСАЛА ЕЧИМ ТОПДИ

Теримчилар кун бўйи эгат оралаб, пешона тери эвазига топган пулларини ўз вақтида олишлари керак. Аммо, баъзида улар бунинг учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, ёрдам сўрашга мажбур бўлишмоқда. Касаба уюшмаларининг «Ишонч телефони» орқали келиб тушган мурожаатни ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Кифти-кул» фермер хўжалигида пахта теримида иштирок этган Ширингул Амонова бошчилигидаги 24 нафар теримчининг меҳнат ҳақи ўз вақтида тўланмаган. Масъулларнинг аралашуви билан фермер хўжалигидан жами 75 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Шунга ўхшаш ҳолат Оқолтин туманида ҳам кузатилди. «Халилов Авазбек» фермер хўжалиги далаларида пахта терган Юлдуз Қипчоқова ва бешнафар аёл ҳам ҳақини ололмагач, касаба уюшмаларига мурожаат қилишди. Касаба уюшмаси инспекторларининг аралашуви билан масала ечим топди.

Ширинай УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

ТАДБИР

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР МАЙДОНИ

Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши томонидан ҳар ойда бир маротаба ташкил этилаётган «Маърифат соатлари»нинг мавзулари ранг-баранг ва долзарб. Уларда давлатимиз томонидан қабул қилинаётган дастурлар, буюк аждодларимизнинг шонли ҳаёт йўли ва бой илмий мероси, миллий қадриятларимиз, Ватан ҳимояси ҳамда она тилимизнинг софлигини асраш каби масалалар чуқур таҳлил қилинмоқда.

Касаба уюшмалари фаоллари, таниқли профессор-олимлар ҳамда соҳанинг тажрибали мутахассислари иштирокида ўтказилаётган тадбирларда ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиб, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий саводхонлигини оширмоқдалар.

Энг муҳими, тадбирлар фақатгина вилоят кенгаши биносида ўтказилмаяпти. Масъул ходимлар ва тармоқ касаба уюшмалари раислари ўзларига бириктирилган йирик корхона, ташкилот ва муассасаларга бориб, тарғибот ишларини меҳнат жамоаларига олиб кирмоқдалар. Бундай учрашувлар ва самимий тушунтириш ишлари ходимларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаш, соғлом ва теран фикр юритиш, жамоадаги ўзаро муносабатларга масъулият билан ёндашиш имконини бермоқда.

Бу эса ҳар бир меҳнат жамоасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топишига хизмат қилмоқда.

Адолат АКРАМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари



ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИГА ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Кўп йиллар давомида ташкилотни бошқариб келган Равшан Бедилов саломатлиги туфайли ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Республика кенгаши раиси лавозимига шу вақтга қадар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлинмаси кенгаши раиси вазифасида ишлаб келаётган Абдуҳалил Раҳмонов номзоди илгари сурилди.

Очиқ овоз бериш натижаларига кўра, А.Раҳмонов бир овоздан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг янги раиси этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз



Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Янги талаблар – янги маданият: Ўзбекистонда авиация соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик» мавзусида семинар ўтказди. Унда тизимдаги корхона-ташкилотлар муҳандислари ва мутахассислари иштирок этдилар.

СЕМИНАР

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Бу борада қандай янгиликлар бор?

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 22 сентябрдаги «Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг оқибатида етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат билан айни йўналишдаги тартиб-қоидаларга қатор ўзгартиришлар киритилди. Улардан бири «ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса» тушунчаси ўрнига «меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса» атамасининг жорий этилишидир. Бу орқали ходимнинг нафақат бевосита иш жойида, балки меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бошқа ҳолатларда жароҳатланиши ёки соғлиғига зарар етишига олиб келадиган вазиятлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қамраб олинади. Масалан, хизмат сафари давомида, топшириқни бажариш ёки иш берувчи ташкил этган транспортда ишга бориш ва қайтиш вақтида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар белгиланган тартибда текширилади. Бу ходимларнинг иш фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Яна бир муҳим янгилик – маълумотларни «Хавфсиз меҳнат» электрон тизими орқали қайд қилиш жорий этилгани. Бу жараёнда тезкорлик ва шаффофликни таъминлаш, маълумотларнинг ягона электрон базасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида тилга олинган қарор билан тасдиқланган янги низомда бахтсиз ҳодисаларни текшириш тартиблари ҳам аниқ белгилаб берилган. Енгил ҳодисалар алоҳида, гуруҳли, оғир ва ўлим билан якунланган ҳолатлар махсус текширув асосида ўрганилади. Шунга кўра, масъул комиссиялар, давлат меҳнат техник инспекцияси вакиллари, тегишли мутахассисларнинг вазифалари ва масъулияти белгилаб қўйилган.



Бундан ташқари, дафн маросими, марҳумнинг жасадини ташиш, шунингдек, айрим низоларни ҳал этиш жараёнида юзага келадиган экспертиза ва юридик хизмат



харажатларини қоплаш масалалари аниқлаштирилган. Бу нормалар, авало, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати, янги тартибларда бахтсиз ҳодиса оқибатида жабрланган ходимнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи кенг қамраб олинган. Жумладан, меҳнат қобилиятини йўқотиш натижасида олинмай қолган даромадни қоплаш, қўшимча даволаниш, тиббий ёрдам харажатларини тўлаш, бир марталик нафақа бериш каби масалалар тартибга солинган. Ходим бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган тақдирда унинг қарамоғида бўлган шахсларга компенсация тўловлари назарда тутилган.

Семинарда янги меъёрий талабларни амалиётга татбиқ этиш, корхоналарда хавфсиз меҳнат муҳитини шакллантиришда меҳнатни муҳофаза қилишга масъул мутахассислар ва муҳандисларнинг ўрни катталиги, улар мавжуд талаблар бажарилишини назорат қилиш билан бир қаторда, ходимларда хавфсиз ишлаш кўникмаларини шакллантириш, эҳтимолий хавфларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаол ишлаши лозимлиги уқтирилди.

Тадбир якунида меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ва касаба уюшмалари фаолиятида самарали натижаларга эришиб келаётган бир гуруҳ мутахассислар тақдирланди.



Дилдора ДЎСМАТОВА
«ISHONCH»

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ОЛОТ ТУМАНИ ҲОКИМИ НАРГИЗА НЕЪМАТОВА ОРДЕН БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ



БУХОРОДА 300 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЯНГИ АЭРОПОРТ ҚУРИЛМОҚДА

БУЮК ТАРИХДАН КУЧ ОЛИБ, ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ИНТИЛАЁТГАН БУХОРО







<<< 1

IV

Сўнгги йилларда Ўзбекистон очиқлик ва ишончли ҳамкорлик маконига айланиб, дунёнинг етакчи инвесторлари эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Вьетнамлик инвесторлар томонидан таклиф этилаётган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ҳам бунинг яққол исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташриф дастуридан ўрин олган навбатдаги муҳим манзил ва халқаро ҳамкорликнинг истиқболли намунаси Вьетнамнинг нуфузли **«**ROX Group**»** компанияси томонидан мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган йирик шаҳарсозлик ҳамда инвестиция лойиҳалари тақдимоти бўлди.

Компания вакиллари Президентимизга жами майдони 285 гектарни, умумий инвестиция ҳажми эса 4,5 миллиард долларни ташкил этувчи тўртта муҳим шаҳарсозлик ташаббуси ҳақида атрофлича ахборот бердилар. Бу лойиҳалар 115 минг нафар аҳоли учун замонавий, шинам ва барча қулайликларга эга яшаш муҳитини яратишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Эътиборлиси, ушбу йирик сармоялар нинг салмоқли қисми айнан Бухоро заминига йўналтирилмоқда. Жумладан, Бухоро туманида 65 гектар ҳамда Бухоро шаҳрида 25 гектар майдонда муҳташам ва замонавий тураржой массивлари қурилишига тамал тоши қўйилмоқда. Янги мавзеларда 30 минг нафар аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уй-жойлар, шинам меҳмонхоналар, ишбилармонлик марказлари, маданий-маърифий ва кўнгилочар мажмуалар қад ростлайди.

Тақдимотда, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида замонавий шаҳар муҳитини шакллантириш, Самарқандда мавжуд сайёҳлик мажмуаси атрофидаги инфратузилма имкониятларини кенгайтириш ҳамда Жиззах вилоятининг сўлим Зомин туманида янги саноат зонасини ташкил этиш каби стратегик ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари тақдим этилган концепцияларни чуқур таҳлил қилиб, уларни маъқуллади.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ВОҲАНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИГА ЮКСАК БАҲО БЕРАР ЭКАН, ЭРТАНГИ КУННИНГ ГЛОБАЛ ВА УЛКАН МАРРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ШУНДАЙ ДЕДИ: «УМУМАН, БУХОРОДА ҚИЙМАТИ 3 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 19 ТА ЙИРИК ЛОЙИҲАНИ БОШЛАЙМИЗ. АГАР БУ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ҚИЛСАК, БИРГИНА БУХОРОНИНГ ЎЗИДА БЕМАЛОЛ 5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ».

V

Президент ташрифи нафақат шаҳарсозлик ва туризм, балки вилоятнинг ишлаб чиқариш, саноат, логистика ва ижтимоий-инфратузилма қиёфасини тубдан ўзгартирадиган стратегик ташаббуслар сарҳисобига ҳам айланди.

Азалдан Бухоро замини ўзининг зарбоф каштолари, бетакрор тўқимачилиги ва ҳалол меҳнати билан ном қозонган. Бугун эса бу бой тажриба ва азалий анъаналар замонавий кластер тизими билан бойитилмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳрида дунёга машҳур **«**Kurt Baver**»** бренди остида йилига 62 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга улкан тўқимачилик комплекси қад ростлайди. Ромитан туманида эса хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қиймати 400 миллион доллар бўлган муҳташам пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилмоқда. Ушбу эзгу лойиҳалар доирасида 9 минг гектар ер майдони оқилона ўзлаштирилиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши 65 фоизга етказилади ва энг муҳими, қўшимча 100 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. Натижада минглаб оилалар фарзандлари учун ўз уйида муносиб ва барқарор маошли иш ўрни яратилади.

Ушбу муҳташам марказ ҳудудида «Боқий Бухоро» маданий-этнографик парки, муҳташам кўргазмалар зали, замонавий меҳмонхоналар ҳамда маънавий ва кўнгилочар масканлар қад ростлайди. Бундан ташқари, шаҳарда жаҳоннинг етакчи брендлари **«**Indigo**»**, **«**Holiday Inn**»** ва **«**Hilton**»** меҳмонхоналари ўз эшикларини кенг очади.

Давлатимиз раҳбари воҳанинг туризм салоҳиятига юксак баҳо берар экан, эртанги куннинг глобал ва улкан марраларини белгилаб шундай деди: **«Умуман, Бухорода қиймати 3 миллиард долларлик 19 та йирик лойиҳани бошлаймиз. Агар бу ишларни тизимли ташкил қилсак, биргина Бухоронинг ўзида бемалол 5 миллиард долларлик туризм хизматлари экспортини таъминлаймиз».**

VI

Ташриф чоғида Президентимиз янги объектларни ишга тушириш ва истиқболли лойиҳалар қурилишига старт берди.

Ташриф доирасидаги навбатдаги стратегик ва ниҳоятда муҳим тадбир шаҳарда ўтказилиши режалаштирилган йирик халқаро анжуманларга пухта тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлди.

Давлатимиз раҳбари бўлажак нуфузли тадбирлар нафақат Бухоронинг бой тарихий мероси ва бугунги салмоқли иқтисодий салоҳиятини жаҳон аҳлига яққол намоён этиши, балки энг аввало, вилоятнинг умумий тараққиётига хизмат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг учун тайёргарлик ишларини фақат анжуманлар ўтадиган зангори заллар ёки мажмуалар билан чеклаб қўймасдан, транспорт, замонавий сервис, хавфсизлик ва шаҳарнинг умумий инфратузилмасини яхлит бир мукаммал тизим сифатида ривожлантириш тақозо этилади. Йиғилишда бўлажак олий даражадаги учрашувларни муносиб ташкил этиш, ҳар бир вазирлик ва идора хорижий ҳамкорлар билан ўз йўналишида манфаатли ва амалий мулоқотга чуқур тайёргарлик кўриши шартлиги белгиланди. Мақсад – юртимиздаги ислоҳотларнинг амалий натижаларини кўрсатиш орқали янги қўшма инвестициявий ташаббусларга эришишдир.

Шаҳарда ва жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам мутлақо янгича рақамли ёндашувлар муҳокама қилинди. Бухорода замонавий ситуацион марказлар фаолиятини йўлга қўйиш, сайёҳлик объектлари ва кўчалардаги вазиятни рақамли технологиялар ёрдамида узлуксиз кузатиш, йўл ҳаракатини оқилона бошқариш ҳамда маҳаллаларда «маҳалла еттилиги» ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурати кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда Президентимиз жуда ҳақли ва самимий бир ҳақиқатни ёдга солди: **«Бухорога қадам қўйган ҳар бир меҳмонда дастлабки таассурот аввало аэропорт, вокзал ва йўллардан бошланади».**

Шу боис, қиймати 300 миллион долларлик янги халқаро аэропорт қурилиши, уни шаҳар маркази билан боғлайдиган 23,5 километрлик муҳташам йўлни барпо этиш ва унинг атрофини яшилликка буркаш ишлари синчиклаб кўриб чиқилди. Темир йўл вокзаллари атрофини ободонлаштириш, автотурargоҳлар, замонавий тунги ёритиш тизимлари ва сервисни яхшилаш, шаҳар ва туманларни вокзаллар билан мустаҳкам боғлаш учун қўшимча 120 та замонавий автобус жалб этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

VII

Тараққиёт ва бунёдкорлик фақат бетону пўлат конструкцияларда эмас, балки атроф-муҳитга бўлган оқилона муносабатда ҳам бўй кўрсатади.

Бухоронинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароити яшил ҳудудларни кенгайтиришни, манзарали дарахт ва буталар экиш билан бирга, уларни парваришлашда махсус суғориш ва дренаж тизимларини пухта йўлга қўйишни тақозо этади. Зотан, бўлажак халқаро анжуманлар шунчаки рамзий учрашувлар майдони эмас, балки саноат кооперацияси, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар чиқариш ва қайта тикланувчи энергетика соҳаларида амалий келишувлар платформасидир. Энг муҳими, Бухорога қадам қўйган ҳар бир меҳмон бу заминда фақат қадимий обидаларни эмас, балки замонавий корхоналар, замонавий иссиқхоналар, ҳунармандчилик мактаблари ва одамларнинг юзидаги розилик ва эртанги кунга бўлган ишончни кўриши лозим. Айни пайтда мамлакатнинг саноат харитасида хомашё етказиб берувчиликдан юқори технологияли ишлаб чиқаришга ўтиш суръати тобора жадаллашмоқда. Бу ўринда гап шунчаки ресурсни қайта ишлаш ҳақида эмас, балки фан билан ишлаб чиқаришни чамбарчас боғлаб, тайёр ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот яратиш тизими ҳақида бормоқда.

Бухоро туманида жойлашган «Tekhnochem» мажмуаси ана шу иқтисодий моделнинг яққол амалий ифодасига айланди. Ушбу кластер нефть ва газ конденсати, нафта, метанол ҳамда пиролиз дистиллятини чуқур қайта ишлаш бўйича республикамизда ягона технологик платформа ҳисобланади. Олтмиш тўққиз гектар майдонда жойлашган, 500 нафарга яқин мутахассисни бирлаштирган корхонада йилига 100 минг тонна пиролиз дистилляти ва 160 минг тонна нафта қайта ишланмоқда. Бу ерда олинаётган октанбустер бензин сифатини халқаро стандартларга мослаштирса, турли эриткичлар лок-бўёқ, елим ва маиший кимё саноатининг асосий хомашё эҳтиёжини қондирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида намойиш этилган 2028 йилгача мўлжалланган 292 миллион долларлик янги инвестиция лойиҳаси эса саноат тармоғини мутлақо янги босқичга олиб чиқади. Газ конденсати ва нафтадан ароматик углеводородлар ажратиб олиш ҳисобига йиллик қуввати яна 400 минг тоннага ортади. Натижада 700 та янги, юқори маошли ва муқим муҳандислик ҳамда техник иш ўринлари шаклланади. Замонавий технологик линиялар рақамли бошқарув ва чуқур билимни талаб этади. Шу боис Президентимиз томонидан ишлаб чиқариш ва олий таълим ўртасидаги занжирни мустаҳкамлаш, бўлажак кимёгар ва технологларни бевосита корхона эҳтиёжига мослаб тарбиялаш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

«Tekhnochem» бугун маҳаллий бозор билан чекланиб қолаётгани йўқ. Йилига 180 минг тоннага яқин нефть-кимё маҳсулотлари, автобензин ва дизель ёқилғиси Марказий Осиё, Афғонистон ва Европа Иттифоқи давлатларига йўналтирилмоқда. 2028–2030 йилларга мўлжалланган 150 минг тонна суюлтирилган газни қайта ишлаш бўйича халқаро музокаралар эса корхонанинг глобал бозордаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Хомашёга юқори қўшилган қиймат бағишлаш орқали саноат мустақиллигини таъминлаётган бу каби лойиҳалар Бухоронинг иқтисодий салоҳиятини ва эртанги юксалишини белгиловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда.

Мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва ёқилғи-энергетика тармоғини замонавий босқичга олиб чиқиш иқтисодий барқарорликнинг энг мустаҳкам устунидир. Қоровулбозор туманидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти хомашёни оддий сотишдан воз кечиб, уни юқори сифатли, экспортбоп тайёр маҳсулотга айлантириш борасидаги стратегик йўналишнинг амалий намунаси ҳисобланади.

Ушбу гигант корхона ўзининг 3 минг 200 нафардан зиёд тажрибали муҳандис ва мутахассислардан иборат аҳил жамоаси билан республикамиз ёқилғи бозорининг муҳим артерияси саналади. Корхонанинг ишлаб чиқариш кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганини жорий йилнинг ўзида яратилган 12,1 триллион сўмлик 1,36 миллион тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари яққол исботлайди. Маҳсулотларнинг экспорт географияси кенгайиб, бу кўрсаткич йил якунига қадар 116 миллион долларга етказилиши кутилмоқда.

Бироқ бугунги глобал рақобат ва замон талаби фақат миқдор билан эмас, биринчи навбатда, экологик ва технологик сифат мезонлари билан ўлчанмоқда. Вилоятга ташриф чоғида тақдим этилган 328 миллион долларлик стратегик модернизация лойиҳаси айнан ана шу олий мақсадга хизмат қилади. Лойиҳа доирасида корхонада нафтани гидротозалаш ва изомеризация қилишдек ноёб технологик қурилмалар ўрнатилади. Гидротозалаш орқали хомашё таркибидаги ортиқча олтингугурт ва аралашмалар камайтирилса, изомеризация жараёни енгил фракциялардан олинадиган бензиннинг oktan сонини кескин оширади.

Энг муҳими, ушбу муҳандислик ечимлари жаҳоннинг энг юқори талаби «Евро-5» стандартларига тўлиқ жавоб берадиган AI-92 ва AI-95 маркали автобензин ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга ошириш имконини беради. Мураккаб технологик жараёнлар хомашёни янада чуқур қайта ишлашга қаратилган бўлиб, натижада заводнинг йиллик қувватига яна 2,5 миллион тонна қўшилади ва умумий ишлаб чиқариш 5 миллион тонналик рекорд кўрсаткичга етказилади.

Ички бозоримизда барқарорликни таъминлаш нархлар мувозанатини сақлаш ва экспорт салоҳиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш деганидир. Ташқаридан қараганда мураккаб саноат иншоотидек туюлган бу масканлар ортида аслида юртимизнинг иқтисодий мустақиллиги, халқимиз фаровонлиги ва эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч мужассамдир.

ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, НАРХЛАР МУВОЗАНАТИНИ САҚЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ДЕГАНИДИР. ТАШҚАРИДАН ҚАРАГАНДА МУРАККАБ САНОАТ ИНШООТИДЕК ТУЮЛГАН БУ МАСКАНЛАР ОРТИДА АСЛИДА ЮРТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЭРТАНГИ КУНГА БЎЛГАН МУСТАҲКАМ ИШОНЧ МУЖАССАМДИР.

VIII

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда эълон қилинган стратегик ташаббуслар воҳа иқтисодиёти ва одамларнинг кундалик ҳаётида туб бурилиш ясайдиган янги босқични бошлаб беради.

Жорий йилда вилоят иқтисодиётида эришилган юқори ўсиш суръатлари, энг аввало, одамлар ҳаётидаги реал ўзгаришларда йиллар давомида кутилган тоза ичимлик сув таъминоти тубдан яхшиланиши, марказлашган тармоқлар энг чекка туманларгача кириб бориши ва канализация тизимлари кенгайишида ўз ифодасини топмоқда. Транспорт ва логистика инфратузилмасидаги сакраш эса Бухоронинг ички ва халқаро майдондаги коммуникация имкониятларини бутунлай янги савияга кўтаради. Автойўлларнинг реконструкция қилиниши, Бухоро ва Самарқанд каби қадимий шаҳарларни боғловчи тезюрар темир йўл ва замонавий пуллик автойўл лойиҳалари икки шаҳар ўртасидаги масофа ва вақтни бир неча баробарга қисқартиради. Мустақиллик байрамига қадар фойдаланишга топширилиши мўлжалланган, соатига мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга янги халқаро аэропорт, унга олиб борувчи равон йўллар ҳамда Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан тўғридан-тўғри авиақатновларнинг йўлга қўйилиши шаҳарни глобал туризм ва логистика харитасининг муҳим манзилига айлантиради.

* * *

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига амалга оширган навбатдаги ташрифи кўҳна ва табаррук ҳудуднинг бой тарихий меросини замонавий шаҳарсозлик, оғир саноат ва юқори технологияли иқтисодиёт билан мукаммал уйғунлаштирган янги Уйғониш даврига замин яратажак.

Зотан, ҳудуддаги улкан эврилишлар одамлар онгу тафаккурида ҳам акс этиб, уларнинг дилида яратувчанлик ва бунёдкорлик ҳиссини жўштираётгани аён ҳақиқатдир.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



МАКТАБ ТАТИЛИДА ОТА-ОНАЛАР ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ ОЛИШИ МУМКИН



СИНОВ МУДДАТИ ДАВРИДА ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНМИ?

МУШОҲАДА

ВАТАНГА ҚАЙТИШ БИЛЕТИ

Журналист сифатида дунё кезиб, бойликлари беҳисоб, дастлари узун, гап-сўзлари бутун, уй-жойлари рисоладагидай, аммо... ёнларида Ватанга қайтиш билети йўқларни кўп кўрдим. Турли зуғум-босимлар билан ўзга юртларга бориб, ўша жойларда қолиб кетган миллатдошлар билан мулоқот қилдим, афсус-надоматга тўла хотираларини тингладим. Американинг Нью-Жерси штатида яшайдиган Акбархўжа ака минг надомат билан, «Эй Парвардигор, қайси гуноҳимиз учун бизни беватан қилдинг?» дея кўзларига ёш олганида, бир нима дея олмай тутилиб қолдим. Ўзимни ўнглаб, дили, қўли пок одамлар учун юрт эшиклари ҳамиша очиқлигини тушунтирдим. «Яшанг, ватандош! Насиб қилса, боramиз, она-юртимизни, киндик қонимиз тўкилган Ватанимизни, албатта, кўрамиз», дейишди.

Болшевойлар зуғумидан қочиб, Туркияда муқим яшаб қолган чустлик отахоннинг фарзандлари савдо-сотиқ билан шуғулланиб, бой-бадавлат бўлиб кетишган экан. Муҳожирлар кўнгил ёзиш учун бир-бирлариникига меҳмонга бориб туришаркан. Шундай зиёфатлардан бирига кекса отахон савдогар ўғиллари билан бирга борибди. Унинг бошидаги эски, ҳилвираб кетган рангсиз дўппини кўриб, бадавлат ўғиллари хижолат бўлишибди.

– Дада, бу нима қилганингиз, яп-янги дўппиларингиз бор-ку, нега киймадингиз? – деб сўрабди катта ўғил норози оҳангда.

– Менга Ватанни эслатувчи шу эски дўппимдан бошқа ҳеч нарса қолмади, болам. Онам ўз қўллари билан тикиб берган эдилар, – дебди ота чуқур хўрсиниб.

Ушбу сатрларни қоғозга тушираётганимда таҳририятга сайрамлик ҳамкасбимиз Гулпошша Эргашхўжа кириб келди. У Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари авлодларидан экан. Саудия Арабистони ва Туркияда бўлиб, ўттиз еттинчи йилги қатағонда ватанни мажбуран ташлаб кетган кишиларнинг авлодлари билан учрашибди.

– Уларнинг ўз тили ва урф-одатларини сақлаб қолишганидан, мени тандирга ёпилган иссиқ нон, палов, сомса ва чучвара билан сийлашганидан ҳайратга тушдим. Оталари: «Туркистон хотирасини юракларингизда асранглар», дейишган экан, – деди меҳмонимиз.

1989 йили бир гуруҳ журналистлар Ҳиндистон ва Шри Ланкага сафар қилганмиз. Деҳли, Агра, Калкутта, Бомбей, Мадрас, Коломбо, Канди каби қадимий шаҳарларни кўрдик, «фуқаролари» фақат маймунлардан иборат тош шаҳар ҳаётини яқиндан кузатдик. «Болливуд» киностудияси учун махсус қурилган ясама шаҳар кўчаларида сайр қилдик, суратга олиш павильонларида бўлдик, оламга машҳур «Тожмаҳал»ни кўриш насиб этди. Ҳинд океани соҳилларида чўмилдик. Элифанта оролида мингдан ортиқ тошйўнар уста неча ўн йиллар давомида ҳайҳотдай тоғни кесиб, ичини ўйиб қурган ҳашамдор сарой ва унинг маҳобатли деворларига ишланган сон-саноқсиз ҳайкалларга, Шива маъбудининг Ерга тушишига бағишланган илонли тош композициясига ҳайрат билан тикилдик.

Кандида бамбукдан қурилган ғаройиб меҳмонхонага жойлашиб, шабадада енгил чайқалиб турган океан қирғоғида мириқиб чўмилаётган эдик. Кутилмаганда туркманистонлик Мурод исмли тележурналист кўзлари қинидан чиққудек бўлиб, ҳаллослаганча олдимизга келди-да, «Паспортимни йўқотиб қўйдим, кеча автобусда пулим, ҳужжатларим, самолёт билетим қолиб кетибди, энди нима қиламан?» деб ўтакамизни ёрди. Дунёнинг нақд нариги чеккасида, нотаниш одамлар орасида пулсиз, ҳужжатсиз, уйга қайтиш билетисиз қолишнинг нималигини биласизми? Бундай кишининг Ҳиндистонда кўчада туғилиб, кўчада умри поёнига етадиган одамлардан фарқи қолмайди.

Муродни қандай юпатишни билмай турганимизда, меҳмонхона ходимларидан бири олдимизга келиб, минг бор узр сўраб, унинг қўлига кеча автобусда қолдириб кетган сумкачасини тутқазди. Ҳайдовчи йигит олиб келган экан. Хурсанд бўлганимиздан бир-биримизни бағримизга босдик.

Ватанга қайтиш билети! Шу бир парча қоғоз ёнингда бўлса, хорижда бемалол юраверасан, ҳеч нарсадан ташвиш қилмайсан, аммо... бўлмаса-чи?

2004 йили Ўзбекистонда ўтказилган сайловда кузатувчилик қилиш учун Америкадан «Туркистон – Америка» уюшмаси президенти Абдулла Хўжа ва тадбиркор Лутфулла Тўра Тошкентга келишди. Меҳмонларга ҳамроҳлик қилдим. Зарафшонга ҳам бориб, еростидан олтин қазиб олаётган ишчилар билан учрашдик. Олти юз метр чуқурликдан руда ташиётган баҳайбат, икки қаватли уйни эслатадиган машиналар ишини кузатдик. Қайтаётганимизда комбинат ходимлари «Ватандан сизларга эсдалик бўлсин», дея бир бўлак усти ялтироқ тошни меҳмонларга совға қилишди. Сайлов ўтгач, Лутфулла Тўра телекўрсатувда иштирок этиб, томошабинларга ўша тошни кўрсатди ва «Ватаннинг бир бўлак тоши тугул, заррача қумини ҳам олиб кетишга ҳаққим йўқ, бу тош шу ерда қолсин, ўзга юртда мусофир тошга айланмасин», дея совғани бир четга суриб қўйди ва... йиғлаб юборди.

1989 йили ўша пайтлар дунёни забт этган машҳур «Баҳор» ансамбли билан Бельгия ва Люксембург мамлакатларига сафар қилганман. Раққосалар Брюссел, Кортрейк, Брюгге каби қадимий шаҳарларда миллий рақсларимизни намойиш қилишди. Концертларнинг бирида қашқадарёлик ватандошимиз Ботир Абдураҳмоновни учратиб қолдик. Иккинчи жаҳон урушида оғир яраланиб, контузия ҳолатида асирликка тушган, Бельгиядаги ерости шахталарида ишлашга жўнатилган бу киши тилини деярли йўқотган эди. Аммо бошимиздаги дўппини кўриб, юм-юм йиғлашдан ўзини тия олмади. Биз унга дўппи совға қилдик. Ботир ака совғанинг гулларига суқланиб қаради, бармоқлари билан сийпалади, кўзларига суртди, сўнг қўйнига яширди-ю, ҳўнграб юборди.

Ҳозирги Чехиянинг Карлови Вари сиҳатгоҳида ҳам қизиқ бир воқеа рўй берган. Ёзувчи Латиф Маҳмудов билан бирга «Албатрос» нашриётида ўзбек болалар адабиёти мавзусида китоб кўргазмаси ташкил этиш учун боргандик. Мезбонлар бизни шу сиҳатгоҳга таклиф қилишди. Шифобахш сув еростидан гумбурлаган овоз билан отилиб чиқмоқда. Дам олувчилар орасида шу сувдан тўйиб ичаётган дўппили бир кишини кўриб, ёнига бордим. Бироз суҳбатлашиб турдик. «Омонхонанинг суви ҳам шунақа шифобахш-а?» деган эдим, ўзимизники қолиб, бу ернинг сувини мақтай кетди...

Шоир Муҳаммад Юсуф тиббиётчи талабалар билан учрашувларидан бирида ёш қизчанинг «Сиз учун Ватан нима?» деган саволига қуйидагича жавоб қайтарди: «Синглим, Ватан бу – жон, жонсиз вужуд бўлмайди, буни бошқалардан кўра сизлар яхши биласизлар. Ватан – жонингни фидо қилишинг мумкин бўлган тупроқ».

Ғоят ўринли жавоб бўлди. Зал олқишлардан ларзага келди.

Тарих шоҳидки, қадим-қадимда ҳам Ватанга хиёнат оғир гуноҳ ҳисобланган, эл-юрт манфаати, оила, сулола, маҳалла-кўй ҳамма нарсадан устун қўйилган. Фарзандлар юрт посбонлари, оила шаъни қўриқчилари, миллат фидойилари мақомида тарбияланган. Бугун ҳам шундай. Бош қомусимизда Ватан, оила, фарзанд тарбияси, маҳалла, яхши қўшничилик, саховат, бағрикенглик каби қадриятларнинг муқаддаслиги, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, ҳаёт абадийлигининг рамзи бўлмиш аёл зотига эҳтиром ўз аксини топган. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари, турли миллат ва элат вакилларининг миллий туйғулари, диний эътиқодига ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар расман эътироф этилган. Бугун бу қадриятлар фақат бир мамлакатни эмас, дунёнинг ўзини маънавий-ахлоқий инқироздан сақлаши мумкин. Бугун бу ёруғ олам айнан шундай қадриятларга муҳтож бўлиб турибди.

Инсон ҳаёти ҳамиша бир маромда кечмайди. Ҳаёт фаровонлашгани сари инсоннинг маънавий эҳтиёжлари, орзу-истаклари ортиб боради. Ота-бобоси остона ҳатламаган фарзандлар бугун дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда, халқаро танловлар шоҳсупасига кўтарилмоқда. Илмий тафаккурга, демакки, қадимий ўзанларга қайтаётган Ўзбекистоннинг келажаги учун меҳнат қилишмоқда. Бундан мамнун бўлишимиз керак. Аммо бир хавотир ҳам бор.

Изланаётган одам ҳамиша ҳам тўғри ечимни тополмайди. Адашади, қийинчиликларга дуч келади. Ҳаракатдан тўхтамаса, фаҳм-фаросат билан бундай хатони тузатса бўлади. Аммо ақлли-ҳушли бўла туриб, текис йўлда, зим-зиё тунда эмас, куппа-кундузи, ота-онаси, устозлари, дўст-қадрдонлари олдида кечирилмас хатога йўл қўяётган, ният ғаразли кимсаларнинг алдовига учиб, Ватан ва миллат шаънига доғ тушираётганларни тушуниш қийин. «Хорижга борсам, бойиб кетаман, ҳашаматли уйлар қураман, данғиллама тўйлар қиламан», дея хомхаёлга берилган, алдоқчи саробга дуч келиб, ўзи, ота-онаси ва қариндош-уруғи шаънига доғ тушириб, бу чоҳдан чиқиш учун хиёнат йўлига кираётганлар оз эмас. Бемор тузалиши, дард чекиниши, омад қайтиши мумкин, аммо бундай доғни ювиб бўлмайди.

Соҳибқирон Амир Темур ўзига нисбатан неча бор душманлик қилган, қилич кўтарган, жанг майдонидан қочиб бориб ёғийга қўшилган, сир-синоатни сотган, кейинчалик эса улуғ Амир ҳузурига бош уриб келиб, чин дилдан тазарру қилганларнинг гуноҳидан кўп бор ўтган, хизматига олиб, меҳр-мурувват кўрсатган. Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таълимдан устун турадиган, таълимдан аввал бошланадиган жараён эканини кўп бор таъкидлайди. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур», деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг халқаро майдонда эришаётган ютуқларидан билиб турибмиз. Исмоил Сомоний ўтмиш аждодлари шуҳратига маҳлиё бўлиб, ўзи бир ишнинг этагидан тутмаган, аллома қариндошлари номларини пеш қилиб, обрў-эътибор топмоқчи бўлган, умрини шу тариқа ўтказадиган кишини «ўлик» деб ҳисоблаган.

Бу дунёда ҳар бир халқ ўзи танлаган йўлдан юришга, тарих синовларидан ўтган урф-одатларига амал қилишга, маънавий қадриятларини сақлаб қолишга ҳақли. Бу ҳуқуқни инкор қилиш маънавий тажовуздан ўзга нарса эмас. Аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида одамлар ўртасидаги муносабатларга рахна солиш, диний бетартибликни келтириб чиқариш энг оғир жиноят экани айтилган.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган шундай сатрлари бор:

Ватан бўлмас Ватандан ташқарида...

Ўзбекистон бугун бағрини дунёга кенг очаётган, дўстлик, қардошлик, ўзаро ишонч, садоқат ришталарини мустаҳкамлаётган, бу борада намуна кўрсатаётган мамлакат. Ватанга қайтиш, Ватан боғларида пишиб етилган бир шингил узумни ўз қўли билан онасига, фарзандига узиб бериш, Ватан булоқлари сувидан симириш, Ватан ҳавосидан нафас олиш, янги Ўзбекистонни, унинг янги қиёфаси, навқирон янги авлоди, буюк келажагини кўриш орзусида бўлган пок ниятлилар учун Ватан эшиклари очиқ!



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ТАРИХ ШОҲИДКИ, ҚАДИМ-ҚАДИМДА ҲАМ ВАТАНГА ХИЁНАТ ОҒИР ГУНОҲ ҲИСОБЛАНГАН, ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ, ОИЛА, СУЛОЛА, МАҲАЛЛА-КЎЙ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ҚЎЙИЛГАН. ФАРЗАНДЛАР ЮРТ ПОСБОНЛАРИ, ОИЛА ШАЪНИ ҚЎРИҚЧИЛАРИ, МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ МАҚОМИДА ТАРБИЯЛАНГАН. БУГУН ҲАМ ШУНДАЙ. БОШ ҚОМУСИМИЗДА ВАТАН, ОИЛА, ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ, МАҲАЛЛА, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, САХОВАТ, БАҒРИКЕНГЛИК КАБИ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МУҚАДДАСЛИГИ, МИЛЛАТНИНГ ЎЛМАС РУҲИ БЎЛГАН ОНА ТИЛИГА МУҲАББАТ, ҲАЁТ АБАДИЙЛИГИНИНГ РАМЗИ БЎЛМИШ АЁЛ ЗОТИГА ЭҲТИРОМ ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН. ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ, ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ТУЙҒУЛАРИ, ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИГА ҲУРМАТ КАБИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РАСМАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН. БУГУН БУ ҚАДРИЯТЛАР ФАҚАТ БИР МАМЛАКАТНИ ЭМАС, ДУНЁНИНГ ЎЗИНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИНҚИРОЗДАН САҚЛАШИ МУМКИН. БУГУН БУ ЁРУҒ ОЛАМ АЙНАН ШУНДАЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУҲТОЖ БЎЛИБ ТУРИБДИ.

БИР АСАР ШАРҲИ

Рассом баъзан ранглар орқали сўзлайди, баъзан эса сукут билан. Шундай ижод намуналари борки, уларни англаш учун нигоҳнинг ўзи кифоя қилмайди – кўнгил кўзи ҳам очилиши керак. Рассом Зебинисо Шарипованинг «Уйқу» номли асари ана шундай нозик туйғуларни жимгина ифода этувчи асарлардан биридир.

РАНГЛАРДА ИШҚ ДОСТОНИ

Кўзни юмгин,
кўзга айлансин кўнгил.

Жалолиддин РУМИЙ



Уйқу... Бир қарашда у инсоннинг кундалик ҳаётига хос оддий ҳолат. Аммо рассом нигоҳида ташқи оламдан ички оламга чекиниш, борлиқнинг шовқин-суронидан узоқлашиб, қалбнинг сокин садосига қулоқ тутишдир.

Шарқ азалдан нур излаган. Қуёшнинг Шарқдан бош кўтариши табиатнинг оддий ҳодисаси бўлса-да, инсон тафаккурида у уйғониш, маърифат ва руҳий янгиланиш тимсолига айланган. Нур фақат зулматни ёритмайди, у инсоннинг ички оламига ҳам йўл топади. Шу маънода, «Нур Шарқдан» деган ибора географик йўналишнигина эмас, балки инсоннинг ҳақиқат ва маъно сари интилишини ҳам эслатади.

Зебинисо Шарипованинг «Уйқу» асаридаги аёлнинг кўзлари юмилган. Аммо бу юмилган кўзлар бизни бепарволик ёки беҳушлик манзараси билан юзма-юз қилмайди. Аксинча, улар ортида қандайдир сир, айтилмаган ҳикоя, эҳтимол, қалбнинг ўзигагина аён бир кечинма яширингандек. Аёл ухлаяптими? Хаёл суряптими? Ёки ташқи оламдан юз ўгириб, ўзининг ички оламига сафар қиляптими? Картина бу саволларга жавоб беришга шошилмайди. Унинг жозибаси ҳам шунда: рассом бизга тайёр хулоса эмас, мушоҳада учун имконият беради.

Аёл атрофидаги хумлар, сопол идишлар ва ёғоч буюмлар ҳам дастлаб оддий маиший ашёлардек кўринади. Бироқ санъатнинг сеҳри шундаки, у оддий нарсаларга ҳам ўзгача маъно юклайди. Хум – ўз бағрида нимanидир сақлайди, сирни яширади. Сопол идиш – лойга инсон қўли теккани, унга шакл ва жон бағишлаганини эслатади. Ёғоч – вақтнинг изларини ўзида мужассам этади. Бу буюмлар шунчаки манзарани тўлдириб турган ашёлар эмас, балки ўтмиш нафаси, авлодлар хотираси ва яшаб ўтилган умрнинг жимгина гувоҳларидек таассурот қолдиради. Улар орасидаги ғилдирак эса алоҳида эътиборни тортади. Ғилдирак – ҳаракат рамзи. Инсон ҳам айланишлар ичида яшайди: туғилади, севади, излайди, интилади, чарчайди, ухлайди ва яна уйғонади. Ҳаётнинг ғилдираги тўхтамайди. Аммо картинадаги аёл гўё шу узлуксиз ҳаракатдан бир лаҳза узилган, вақтнинг шошқин оқими орасидан ўзининг сокин маконини топгандек. Балки бу лаҳза инсон ўзини тинглай оладиган, қалби билан юзма-юз келадиган камёб фурсатдир. Аёлнинг ҳолатида қандайдир сармастлик ҳам бор. Аммо бу мастликнинг манбаи нима? Шаробми? Ишқми? Ёхуд инсонни кундалик борлиқ чегараларидан олиб чиқадиган, сўз билан ифодалаш қийин бўлган руҳий кечинмами? Рассом бу борада қатъий ҳукм чиқармайди. Томошабинни ҳам биргина талқин доирасида қамаб қўймайди. Зеро, ҳақиқий санъатнинг қудрати баъзан жавоб беришда эмас, инсон қалбида янги саволлар уйғотишдадир.

Шарқ шеъриятида шароб – ишқ, ишқ эса оддий туйғудан кенгроқ маъно касб этади. Уйқу ҳам баъзан ботиний оламга очилган рамзий эшикдир. Умар Хайём рубоийларидаги шароб, Жалолиддин Румий ижодидаги ишқ ва тасаввуфдаги руҳий сафар инсоннинг ўзлигини англашга бўлган интилишини ифодалайди. Қадимий хумлар, сопол идишлар ва вақт изи тушган буюмлар эса Шарқнинг маънавий хотирасини ўзида сақлайди.

«Уйқу»даги аёл гўё қадимий хотира бағрида ором олаётгандек. Унинг сукунатида безовталик эмас, осойишталик ва нимanидир интизорлик билан кутиш бор. У ишқними, ўзлигини топишними ёки руҳий оромнини кутяпти? Балки буларнинг барчаси бир нуқтада – инсоннинг ўз қалбига қайтишида туташар.

Картина номидаги «уйқу» ва «уйғониш» зиддияти асарнинг ботиний маъносини очади. Ташқи сокинлик бағрида фикр уйғонади, қалб саволларга юз тутади. Демак, уйқу баъзан ўзликни англаш сари ташланган сокин қадамдир.

Зебинисо Шарипованинг «Уйқу» асари томошабинни манзара ортидаги сирни ҳис этишга, сукут тубидаги маънони англашга чорлайди. У тайёр жавоб бермайди, балки фикр ва тасаввур учун эшик очади. Зеро, баъзан юмилган кўзлар кўринмас оламни кўради, уйқу қаърида эса руҳ уйғонади.

Ҳасанбой ОТАЖОНОВ,
Тупроққалъа туманидаги 6-сонли БМСМ тасвирий санъат ўқитувчиси


ЭЪЛОН

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан «O'zbekiston MTRK Mediamarkazi» DM муҳандиси Ўткиров Анвар Ғани ўғли номига берилган №0926 гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда ҳудуддаги тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари жамоалари вилоят кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Наргиза Аҳмедовага онаси

Рисолат ВОҲИДОВА

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Bahriddin QO'SHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 22:20
Topshirildi – 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 013 ta
Shundan: 6 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 324 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: 1111

1 2 3 4 5 6